



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2021 yil «1» июль

№ПФ–6255

### 2021 – 2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида

Глобаллашув шароитида ҳамда халқаро ва минтақавий можаролар трансформацияси давом этаётган бир пайтда, экстремизм ва терроризмга қарши самарали курашиш масаласи кун тартиbdаги долзарб мавзулардан бири бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда экстремистик ва халқаро террорчилик ташкилотлари диний ақидалар ниқоби остида ёшларни зўравонликка, миллий ўзлигини, маданий-маърифий ва оиласвий қадриятларини йўқотишга ундаш йўли билан жамиятда зўравонлик ва радикал қарашларни тарқатишни давом эттирмоқда. Буларнинг барчаси фуқароларни экстремистик ва террорчилик ташкилотлари сафига жалб қилиш учун шарт-шароит яратмоқда.

Шу муносабат билан, экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш ва чек қўйиш ҳамда уларни молиялаштириш манба ва каналларига барҳам беришга қаратилган янада самарали чора-тадбирларни белгилаш, бу борада миллий ва халқаро даражада саъй-ҳаракатларни бирлаштириш давлат сиёсатининг мұхим йўналишларидан ҳисобланади.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиқсан ҳолда, шунингдек, экстремизм ва терроризмга қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш мақсадида:

#### 1. Қўйидагилар:

2021 – 2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси (кейинги ўринларда – Стратегия) 1-иловага мувофиқ;

2021 – 2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини амалга ошириш юзасидан “йўл харитаси” (кейинги ўринларда – “Йўл харитаси”) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Стратегиянинг устувор йўналишлари этиб қўйидагилар белгилансин:

экстремизм ва терроризм ғоялари тарқалишининг олдини олиш мақсадида ватанпарварлик, анъанавий қадриятлар ва бағрикенглик мафкурасини тарғиб қилиш;

вояга етмаганлар ва ёшлар орасида экстремизм ва терроризм ғоялари тарқалишининг олдини олиш;

аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг экстремизм ва терроризмга қарши курашишдаги ролини кучайтириш;

узоқ муддат хорижда бўлган фуқароларни экстремизм ва терроризм ғоялари таъсиридан ҳимоя қилиш;

Интернет жаҳон ахборот тармоғидан экстремистик ва террорчилик мақсадларда фойдаланишга қарши курашиш;

фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларини экстремизм ва терроризмга қарши курашишга кенг жалб қилиш;

экстремистик ва террорчилик ҳаракатларини содир этганлик ҳамда уларни молиялаштирганлик учун ҳуқуқий таъқиб ва жавобгарликка тортиш чораларини такомиллаштириш;

экстремизм ва терроризмга қарши курашиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

ушбу соҳадаги халқаро ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш.

3. Қўйидагилар:

вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари – “Йўл харитаси”да белгиланган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажариш ҳамда уларнинг ижроси натижалари бўйича ҳар ярим йиллик якунида Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматига маълумотларни тақдим этиш учун;

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раиси (А.А. Азизов) – Стратегия ва “Йўл харитаси”нинг амалга оширилиши бўйича умумлаштирилган маълумотларни, ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш бўйича аниқ таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши аппаратига ўз вақтида тақдим этиб бориш учун шахсан масъул эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши аппарати (В.В. Махмудов) Стратегия ижросининг аҳволи тўғрисида ҳар ярим йилликда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борсин.

5. “Йўл харитаси”ни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, бюджетдан ташқари жамғармалар, халқаро ҳамкорлар ва қонунчилиқда тақиқланмаган бошқа манбалар маблағлари жалб қилинади.

6. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа мутасадди вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ушбу Фармоннинг мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш чораларини кўриш тавсия этилсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Тошкент шаҳри



Ш. Мирзиёев

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2021 йил 1 июлдаги ПФ-6255-сон Фармонига  
1-илова

**Ўзбекистон Республикасининг экстремизм ва терроризмга қарши  
курашиш бўйича 2021 – 2026 йилларга мўлжалланган  
МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯСИ**

Ҳозирги вақтда экстремизм ва терроризм халқаро хавфсизликка, шу жумладан Марказий Осиёда асосий таҳдидлардан бири бўлиб қолмоқда. Экстремизм ва терроризм хавфи ҳамда таҳдидлариға қарши курашиш Ўзбекистон Республикаси учун биринчи навбатдаги вазифалардан бири бўлиб, минтаقا давлатлари ва халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси ҳар томонлама ўйланган тинчликсевар, прагматик ва изчил ташқи сиёсатни олиб бориб, экстремизм ва терроризмнинг умумий таҳдидлариға қарши курашишда барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун очиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қиласлик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, хавфсизликнинг бўлинмаслиги, ўз хавфсизлигини бошқа давлатлар хавфсизлиги ҳисобига мустаҳкамлашга йўл қўйилмаслиги, халқаро мажбуриятларни вижданан бажариш, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган норма ва тамойилларини ҳурмат қилиш принципларига асосланади.

Ўзбекистон Республикаси ўз тарихида экстремизм ва терроризм билан боғлиқ ҳолатларга бир неча маротаба дуч келган. Ушбу йўналишда хавф-хатар, таҳдид ва таҳликалар сақланиб қолаётганини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси кенг жамоатчилик ва халқаро ҳамжамият билан биргалиқда экстремизм ва терроризм ҳамда уларни молиялаштиришга қарши курашишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширади.

Экстремизм ва терроризмга қарши курашишдаги мавжуд тажриба, шунингдек, минтаقا давлатларидағи мазкур таҳдидларга қарши курашиш бўйича ҳолатнинг ретроспектив ва қиёсий таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, Марказий Осиёда экстремистик ва террорчилик фаолияти, асосан, миллатчилик (миллий), ижтимоий, диний ва бошқа радикал сиёсий ғоялар остида амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича 2021 – 2026 йилларга мўлжалланган Миллий стратегиясида (кейинги ўринларда – Стратегия) экстремизм ва терроризмнинг минтақада тарқалиши учун асосий сабаб ва шарт-шароитлар ҳам, экстремист ва террорчилар ўз бузғунчи фаолиятида фойдаланадиган турли ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ғоявий ва бошқа омиллар ҳам инобатга олинган.

Стратегия Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг умумэътироф этилган тамойил ва нормаларига асосланган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги, “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги, “Жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги ҳамда “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунларининг қоидаларини амалга оширишга қаратилган.

## **1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

### **1-§. Стратегиянинг мақсади ва вазифалари**

Стратегиянинг мақсади Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, миллий хавфсизлик, шунингдек, фуқароларнинг ушбу соҳадаги ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга имкон берадиган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича самарали ва бир вақтнинг ўзида мувофиқлаштирилган давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлашdir.

Стратегиянинг вазифалари қўйидагилардан иборат:

- а) экстремизм ва терроризмга қарши курашиш соҳасидаги давлат органлари фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- б) соҳадаги норматив-ҳуқуқий ва услубий-амалий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- в) давлат органлари, кенг жамоатчилик ва халқаро ҳамжамиятнинг экстремизм ва терроризмга қарши курашишга қаратилган ҳаракатларини бирлаштириш;
- г) жамиятда конфессиялараро ва миллатларарапотувликни таъминлаш;
- д) давлатнинг аҳоли, айниқса ёшларнинг экстремистик ва террорчиллик фаолиятига жалб этилишидан ҳимоялашга қаратилган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш;
- е) экстремизм ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишнинг самарали механизмларини жорий этиш;

ж) экстремизм ва терроризмга қарши курашиш соҳасида минтақавий ва халқаро ҳамкорликни такомиллаштириш.

## **2-§. Фуқароларнинг виждан эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқлари**

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг қўйидаги тамойиллари ва асосий йўналишлари шаклланди:

биринчидан, демократия ва инсон ҳуқуқларининг умум эътироф этилган ғоялари ва қадриятларига, шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларга содиқлик;

иккинчидан, кучли ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти тамойилларига асосланган миллий манфаатларнинг устуворлиги;

учинчидан, юзага келадиган таҳдид ва хавф-хатарларни, ошкоралик ва шаффофлик принципига мос равишда, давлат идораларининг барча фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек, халқаро ҳамкорлар билан мулоқот орқали муҳокама қилиш ва ҳал этиш;

тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган шахс манфаатларининг жамият ва давлат манфаатларидан устуворлиги.

Ушбу тамойилларга таянган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни кенг миқёсда имплементация қилди, фуқаролар ва давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онгини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Халқаро ташкилотларнинг иштирокисиз ва инсон ҳуқуқларига оид асосий халқаро ҳужжатларга қўшилмасдан туриб демократик ҳуқуқий давлат қуриш мумкин эмаслигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон олдидағи асосий вазифа инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ўз халқаро мажбуриятларига қатъий риоя қилиш ва демократик ҳуқуқий давлатни қуриш ҳисобланади.

Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида диний эътиқод эркинлиги соҳасида туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг диний соҳада давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари фуқароларнинг виждан ва диний эътиқод эркинлиги кафолатлаш, конфессиялараро ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, жамиятда бағрикенглик маданиятини ривожлантириш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида “Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар” деб кафолатланган.

Шу билан бирга, Конституцияда “фуқаро ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахслар, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларини бузмаслиги керак” деб таъкидланган.

Конституцияга биноан ҳамма учун виждан эркинлиги кафолатланган. Ҳар ким хоҳлаган динига эътиқод қилиши ёки бирон бир динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қараашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

## **2-БОБ. ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

### **1-§. Экстремизм ва терроризм мафкураси тарқалишининг олдини олиш мақсадида ватанпарварлик, анъанавий қадриятлар ва бағрикенглик ғояларини тарғиб қилиш**

Ёшлар ҳуқуқлари бўйича БМТнинг Халқаро Конвенциясини ишлаб чиқиш ҳамда Буш Ассамблеяning “Маърифат ва диний бағрикенглик” маҳсус резолюциясини қабул қилиш ташаббуси илгари сурилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТнинг Буш Ассамблеясининг 72-сессиясидаги маъruzаси экстремизм ва терроризмнинг юзага келиш сабабларини, шунингдек, уларнинг олдини олиш йўлларини тушунишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Амалга оширилаётган “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси” жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришни, шу жумладан экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтиришни назарда тутади.

Аҳоли, айниқса ёшлар орасида экстремизм ва терроризмнинг бузғунчи ғояларига нисбатан муросасизлик туйғусини шакллантиришнинг муҳим шарти – бу ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланганлик, юксак билим даражаси, хусусан, миллий ўзликнинг соғ қадриятлари моҳиятини ва диний конфессияларнинг биргалиқда тинч-тотув ҳаёт кечириши ғоясини англаб етишдир.

Ўзбекистонда халқ маърифатини ошириш, янада кучли, асосланган ва илмий исботланган мафкурага таянган ҳолда экстремизм ва терроризм ғояларини йўқ қилишда сезиларли ҳисса қўшаётган Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий ва Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари ташкил қилинган ва фаол иш олиб бормоқда.

Давлат ва жамоат институтларининг диний асослар сабабли бузғунчи мафкуралар таъсирига тушиб қолган фуқароларни ижтимоий ва диний реабилитация қилишга қаратилган ишлари фаол давом этмоқда.

Сўнгги 4 йил давомида экстремизм ва терроризмга алоқадорлиги сабабли озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаётган, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига ўтган 2 минг нафардан ортиқ шахслар афв этилди ва 1,5 минг нафардан зиёд шахслар жазони ўташ жойларидан озод қилинди.

2017 – 2018 йиллар давомида радикал диний оқимларнинг тарафдорлари деб ҳисобланган ёки уларнинг таъсири остига тушиб қолган 20 минг нафардан ортиқ шахслар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳисобидан чиқарилган.

2019 – 2021 йилларда “Мехр” дастури доирасида Афғонистон, Сурия ва Ироқдан халқаро террорчилик ташкилотлари сафига адашиб қўшилиб қолган 400 нафар хотин-қизлар ва болалар Ўзбекистонга қайтарилиб, уларнинг ижтимоий мослашуви ва реинтеграцияси учун ҳар томонлама ёрдам кўрсатилди.

Бунда бир қатор хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар, шу жумладан Халқаро Қизил Xоч Қўмитаси ва БМТнинг Болалар Жамғармаси (ЮНИСЕФ) муҳим ёрдам берди. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2396-сонли резолюциясига биноан чет эл террорчи жангарилари билан боғлиқ ва терроризмнинг қурбони бўлиши мумкин бўлган хотин-қизлар ва болаларга ёрдам беришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон бундан кейин ҳам диний сабабларга кўра бузғунчи мафкуралар таъсиридан жабр кўрган шахсларга ҳар томонлама ижтимоий-ҳуқуқий ва моддий ёрдам кўрсатиш бўйича комплекс чоратадбирларни давом эттиришни мақсад қилган.

Аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва маърифатини ошириш муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда қуйидагилар талаб этилади:

а) Ўзбекистон ҳудудида асрлар давомида шаклланган, диндорлар орасида тинчлик ва бағрикенгликни кенг ёйган анъанавий ислом динининг асосий ғояларидан фуқароларнинг хабардорлигини ошириш, жумладан экстремизм ва терроризм ғояларининг ислом динига зид эканлигини тушунириш бўйича кенг ахборот-маърифий ишларни олиб бориш;

б) норматив-ҳуқуқий ва моддий-техник базани такомиллаштириш, шунингдек, ушбу соҳада малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш орқали Интернет жаҳон ахборот тармоғида экстремизм ва терроризм мафкураси тарқатилишининг олдини олиш, барвақт профилактика қилиш ва унга қарши курашиш тизимини ривожлантириш;

в) экстремизм ва терроризмнинг бузғунчи мафкураси таъсирига тушиб қолган фуқаролар билан олиб бориладиган ишларни мунтазам равишда тизимли такомиллаштириш, бунда кенг жамоатчиликни ҳам жалб этиш;

г) диний соҳада диний ва дунёвий билимларни эгаллаган, фуқаролар орасида диний асосдаги экстремизм мафкурасига қарши иммунитетни шакллантира оладиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш;

д) ҳамкорликдаги ишларнинг самарали ва очиқ механизмларини яратиш орқали фуқаролик жамиятининг институтлари, шу жумладан оммавий ахборот воситаларини экстремизм ва терроризмга қарши курашиш ишларига фаол жалб этиш;

е) аҳоли ўртасида, айниқса ёшлар орасида экстремизмнинг бузғунчи мафкурасига қарши иммунитетни шакллантиришда халқаро тажрибани жорий этиш ва кенг қўллаш;

ж) экстремизм ва терроризмнинг оқибатларини тушунтириш орқали аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, шунингдек, жавобгарлик ва қонун олдида тенглик ҳиссини тарбиялаш.

## **2-§. Вояга етмаганлар ва ёшлар орасида экстремистик ғоялар тарқалишининг олдини олиш**

Кўп йиллик тажрибалар кўрсатмоқдаки, ёшлар мұхити, шу жумладан вояга етмаганлар ўзининг ижтимоий ҳимояланмаганлиги ва ўта таъсирчанлиги туфайли, экстремизм ва терроризмнинг тажовузкор мафкураси олдида энг заиф қатlam бўлиб қоляпти, бу эса асоссиз равишда норозилик кайфиятидагиларнинг ортиб боришига олиб келмоқда.

XXРнинг Циндао шаҳрида 2018 йил 10 июнида бўлиб ўтган ШХТ мамлакатлари Давлат раҳбарлари кенгашининг 18-сессияси якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан илгари сурилган ШХТ давлат раҳбарларининг ёшларга қўшма мурожаати ва уни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастури Ёшлар ўртасида экстремизм ва терроризм мафкурасига қарши барқарор иммунитетни шакллантириш йўлидаги мұхим қадамлардан бири бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон қарори асосида мамлакатда Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан баркамол этиб тарбиялаш ва ўқитиш тизимини янги босқичга кўтариш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда Ёшлар ишлари агентлиги ва ёшларнинг нодавлат нотижорат ташкилоти – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилган.

Бугунги кунда улар томонидан ёшларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини таъминлаш, уларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатда экстремизм ва терроризмнинг ҳар қандай кўринишда намоён бўлишига нисбатан муросасизлик мұхитини яратиш, бузғунчи мафкураларга қарши иммунитетни шакллантириш, ҳуқуқий саводхонлик ва ижтимоий жавобгарлик ҳиссини ошириш мақсадида ННТ, ОАВ, киноиндустрия, маданият ва санъат арбобларини жалб қилган ҳолда кенг қамровли комплекс маърифий тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Ёшлар мұхитида экстремистик ва террористик ҳолатларининг пайдо бўлиши ва тарқалишининг асосий сабаблари қўйидагилардан иборат:

а) ёшлар мұхитида ижтимоий тарангликнинг кучайиши (таълим даражаси ва сифатидаги муаммолар, иш ўринларининг етишмаслиги, иш ҳақининг пастлиги, коррупция ва бошқаларни ўз ичига жамлаган комплекс ижтимоий муаммолар билан тавсифланади);

б) қадрият йўналишларининг ўзгариши (экстремизм ва терроризм, дунёвий меъёрлар ва ижтимоий қадриятларни рад этувчи ғояларни сингдирувчи диний ташкилотлар ва мазҳаблар жиддий хавф туғдиради);

в) бузғунчи мақсадларда психологиясига хос бўлган нигилизм ва максимализмдан экстремизм ва терроризмнинг мафкуравий раҳнамолари томонидан фаол фойдаланилади);

г) Интернет жаҳон ахборот тармоғидан ноқонуний мақсадларда фойдаланиш (радикал ташкилотларга кенг аудиториядан фойдаланиш ва ўз фаолиятини тарғиб қилиш, ўз ниятлари ва режалаштирилаётган ҳаракатларига оид маълумотларни жойлаштириш имкониятини беради);

д) ёшларнинг хорижий мамлакатларда фаолият юритаётган экстремистик ва террорчилик ташкилотлари вакиллари ва эмиссарларининг таъсирига тушиб қолиши.

Ёшлар, шу жумладан вояга етмаганлар ўртасида экстремистик ва террорчилик ғоялари тарқалишининг олдини олиш учун таълим ва ёшлар сиёсати соҳасида қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

а) ўсиб келаётган авлодда қонунга ҳурмат, ҳуқуқий саводхонлик, конфессиялараро ва миллатлараро бағрикенглик, мамлакатимиз халқларининг тарихи, маданияти, маънавий мероси ва урф-одатларига қизиқиши шакллантириш;

б) тўгараклар фаолиятини жадаллаштириш орқали ёшлар, шу жумладан болалар ва ўсмирларнинг бўш вақтни мазмунли ташкил этиш, аҳолининг маданий, спорт ва дам олиш масканларидан фойдаланиши учун шарт-шароит ва қулайликларни яратиш;

в) ёшларни анъанавий, маънавий, ахлоқий ва ватанпарварлик қадриятлари асосида тарбиялаш тизимини давлат томонидан узлуксиз қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш;

г) таълим ташкилотларида ватанпарварлик, бағрикенгликни тарбиялаш, экстремистик ва террорчилик фаолиятига жалб этилишининг олдини олиш бўйича машғулотлар ўтказиш;

д) педагогик ходимларнинг касбий маҳоратини ошириш, экстремизм ва терроризм ғояларига қарши курашишга қаратилган янги таълим стандартлари ҳамда педагогик услубиётлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

е) экстремистик ва террорчилик мафкуранинг тарқалишига олиб келадиган омилларни аниқлаш мақсадида ёшлар ўртасида бандлик, ижтимоий ва иқтисодий фаровонлик, ёшлар субмаданиятлари фаолиятига оид таҳлиллар ўтказишга қаратилган социологик тадқиқотларни ўтказиш;

ж) ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда мустаҳкам фуқаролик позицияси ва ўзликни шакллантиришга қаратилган фаолиятда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтириш;

з) экстремизм ва терроризм ғоялари тарқалишининг олдини олиш ва профилактика қилиш мақсадида ёшлар жамоат бирлашмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

и) ёшлар ўртасида фуқаролик позицияси ва ҳуқуқий саводхонликни рағбатлантирувчи маҳсус форум ва учрашувларни ташкил этиш;

к) ўзларининг иш услубларини тубдан ўзгартирилиши лозим бўлган Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, “Маънавият ва маърифат” марказлари фаолиятини жонлантириш ҳамда уларнинг фаолиятини ёшлар ўртасида энг кўп ижтимоий, иқтисодий ва бошқа муаммолар мавжуд бўлган ҳудудларга манзилли йўналтириш.

### **3-§. Хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг экстремизм ва терроризмга қарши курашишдаги ролини кучайтириш**

Ўзбекистон Республикаси халқаро актларни, хусусан, БМТнинг хотин-қизлар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга доир Конвенция ва Декларацияларини ратификация қилди ва ўз вақтида бажармоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси гендер тенглик ҳуқуқини кафолатлайди, ушбу ҳуқуқлар Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ва “Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари билан таъминланади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, аксарият ҳолларда хотин-қизлар ўз турмуш ўртоғи ва яқин қариндошларининг таъсири остида экстремистик ва террорчилик ташкилотлари тарафдорига айланмоқда, аммо шу билан бирга, хотин-қизларнинг ўз оила аъзолари ёки қариндошларини экстремистик ва террорчилик ташкилотлари сафларига ёллашда фаол роль ўйнаши ҳолатлари ҳам аниқланмоқда.

Аҳолининг радикаллашув жараёнида хотин-қизлар ўрнини фақатгина қурбон бўлган аёллар ёки террорчиларнинг турмуш ўртоғи каби гендер стереотиплари билан чекланмаслик кераклигини тушуниш мұхимдир. Хотин-қизлар террорчиларга ҳамдардлик билдирувчи, уларни сафарбар этувчи ҳамда ихтиёрий равишда террорчилик ҳаракатини ҳам амалга оширувчи бўлишлари ҳам мумкин.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Стратегияда экстремистик ва террористик ташкилотларнинг пассив ва фаол иштирокчилари бўлган хотин-қизлар ўртасидаги фарқ белгиланади.

Бундан ташқари, ёш авлод тарбияси билан боғлиқ муаммоларнинг пайдо бўлишида, оиласарда эрларнинг чет элда бўлиши мұхим омил ҳисобланади. Бундай ҳолларда аёл болалар тарбияси билан шуғулланувчи ягона тарбиячи бўлиб қолмоқда. Болаларни назорат қилиш билан боғлиқ муаммолар юзага келмоқда. Бунда одатда фуқаролик жамиятининг энг самарали бўғини ҳисобланган маҳалланинг аҳамияти каттадир.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, хусусан, Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда фуқаролик жамияти институтлари томонидан хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтириш, уларни зўравонлиқдан ҳимоя қилиш ва жамиятдаги ролини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ёш авлодни ватанпарварлик рухида тарбиялаш, шунингдек, ёшлар экстремистик ва террористик ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олишда хотин-қизларнинг улкан имкониятларини англаган ҳолда, аёлларнинг оиласи, ижтимоий мақомини қўйидаги йўллар билан қўллаш мұхимдир:

а) хотин-қизлар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз вақтида ва сифатли ижро этиш, уларни қўллаб-қувватлашнинг халқаро стандартларга жавоб берадиган ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш;

б) қийин ҳаётий вазиятларга тушиб қолган хотин-қизлар ва уларнинг фарзандларига маънавий-руҳий ва моддий ёрдам кўрсатиш;

в) ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари учун экстремистик ва террорчилик фаолияти сафига қўшилиб қолган хотин-қизлар билан ишлашнинг ўзига хос жиҳатлари бўйича махсус ўқув курсларини ташкил этиш;

г) муаммоли оилалар билан ишлашда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги бўлинмаларининг роли ва жавобгарлигини кучайтириш;

д) хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, шунингдек, хотин-қизларни экстремизм ва терроризмга қарши курашишга жалб қилиш соҳасида тажриба алмашиш.

#### **4-§. Узоқ муддат хорижда бўлган фуқароларни экстремизм ва терроризм ғоялари таъсиридан ҳимоя қилиш**

Бугунги кунда чет элда узоқ муддат бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари кўпинча экстремистик ва террористик ташкилотлар эмиссарларининг мафкуравий таъсири остига тушиб қолмоқдалар. Бунда учинчи давлат ҳудуди халқаро террорчилик ташкилотлари таркибида жанговар ҳаракатларда иштирок этиш мақсадида ёллаш ва фаол террористик ҳаракатлар олиб борилаётган ҳудудларга юбориш учун “асосий макон” вазифасини бажармоқда.

Хорижда узоқ вақт бўлган фуқароларнинг халқаро экстремистик ва террорчилик ташкилотлар сафига ёллаш жараёнини ўрганиш бундай салбий ҳодисага олиб келадиган қўйидаги сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш имконини берди, хусусан:

а) чет элда бўлган фуқароларда, айниқса ёшларда бегоналашув ва психологик ноқулайликларни вужудга келтирувчи ижтимоий, ҳуқуқий ва иқтисодий мослашув билан боғлиқ қийинчилеклар;

б) шаклланган анъаналар ёрдамида хулқ-атвор ва ижтимоий ахлоқни сақлашга, шунингдек, ғоявий иммунитет шаклланишига ёрдам берадиган одатий ижтимоий алоқалардан, қариндош ва яқинлар, маҳалла ва жамоатчиликнинг назоратидан узилиш;

в) чет элда узоқ муддат юрган фуқароларни ҳимоя қилишга оид норматив-ҳуқуқий базанинг замонавий талабларга жавоб бермаслиги;

г) турли хил каналлар орқали Ўзбекистон фуқаролари бўлиб турган айrim давлатларда экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича олиб борилаётган профилактик чораларнинг самарадорлиги пастлиги;

д) Ўзбекистон Республикаси ва фуқароларимиз бўлиб турган мамлакатларнинг давлат органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликда мавжуд муаммолар ва бошқалар.

Ўзбекистонда хориждаги фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, айниқса банд бўлганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлик масалалар, шунингдек, уларни экстремизм ва терроризм мафкураларининг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга барча манфаатдор вазирликлар, идоралар ва кенг жамоатчиликни жалб этишни назарда тутувчи комплекс чоралар амалга оширилмоқда.

Стратегияни амалга ошириш жараёнида мазкур йўналишда қуйидаги комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш учун узоқ вақт чет элда бўлган фуқароларни экстремизм ва терроризм мафкураси таъсири остига тушиб қолишларининг сабаб ва шарт-шароитлари ҳисобга олиниши лозим:

а) узоқ вақт чет элда бўлган фуқароларни экстремизм ва терроризм мафкураси таъсири остига тушиб қолиш муаммосини ҳал этиш учун тизимли ва мувофиқлашган ягона ёндашувни шакллантириш;

б) узоқ вақт чет элда бўлган фуқароларни экстремизм ва терроризм мафкураси таъсиридан ҳимоя қилиш масалаларига оид норматив-ҳуқуқий базани, шу жумладан халқаро шартномаларни такомиллаштириш;

в) ушбу тоифадаги шахслар ва оила аъзоларига руҳий ҳамда моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида улар орасидан ижтимоий заифларини аниқлаш;

г) чет элга кетаётган фуқароларни борган жойида ижтимоий-маданий мослашуви, шунингдек уларга экстремизм ва терроризм мафкуралари таҳдидларини тушунтириш бўйича профилактик ишларнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

д) чет элдан Ўзбекистонга қайтган фуқаролар билан тизимли фильтр-профилактик ишларини ташкил қилиш;

е) хорижий мамлакатларнинг давлат органлари билан ушбу йўналишда ҳамкорлик қилиш ва ишларни мувофиқлаштириш;

ж) узоқ вақт чет элда бўлган фуқароларни экстремизм ва терроризм ғоялари таъсиридан ҳимоя қилиш ишларига давлат ва жамоат ташкилотларининг тўпланган илмий салоҳиятини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш.

## **5-§. Экстремистик ва террорчилик мақсадларида**

### **Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишга қарши курашиш**

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги маълумотларига кўра, 2020 йилда Интернет фойдаланувчилари сони 20 миллиондан ортиб кетган.

Қайд этиш лозимки, бугунги кунда экстремистик ва террорчилик ташкилотлари сафларига жалб қилишда Интернет жаҳон ахборот тармоғидан кенг фойдаланилмоқда, унинг ёрдамида экстремизм ва терроризм мафкураси фаол сингдирилиб, аҳолининг диндор қисми ўртасида жамиятга қарши кайфият шакллантирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг ваколатли давлат органлари томонидан экстремистик ва террористик материалларни тарқатувчи веб-ресурслар ва ижтимоий тармоқларнинг фаолиятини аниқлаш ва олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Экстремистик ва террористик ташкилотларнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали ёллаш ҳаракатларида кузатилаётган фаоллик сабабли, уларни заарсизлантириш бўйича қуидаги қўшимча чоралар кўрилиши зарур:

а) Интернет жаҳон ахборот тармоғида экстремизм ва терроризм ғояларини тарқатувчиларни, шунингдек, республикадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш ниятида бўлган шахслар ва гуруҳларни ўз вақтида аниқлаш;

б) республика аҳолисига хос бўлган бағрикенглик ва диний анъаналарни ўзида мужассам қилган илмий асосланган мафкурага таяниб Интернет жаҳон ахборот тармоғида экстремизм ва терроризм ғояларига қарши ташвиқот ва тарғибот ишларини ташкил этиш;

в) бузғунчи контентни аниқлаш ва йўқ қилиш мақсадида Интернет жаҳон ахборот тармоғини таҳлил қилиш;

г) Интернет жаҳон ахборот тармоғида экстремизм ва терроризм ғояларига ахборот орқали қарши курашиш соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш;

д) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг маҳсус бўлинмаларини зарур бўлган илғор дастурий маҳсулотлар ҳамда техника билан таъминлаш;

е) Интернет жаҳон ахборот тармоғидан экстремистик ва террорчилик мақсадида фойдаланишга қарши курашиш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мунтазам равишда такомиллаштириб бориш.

## **6-§. Фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларнинг экстремизм ва терроризмга қарши курашишда иштироки**

Ўзбекистон Республикаси экстремизм ва терроризмга қарши курашишда давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлашга алоҳида эътибор қаратади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида экстремизм ва терроризмга қарши курашишда иштирок этаётган нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолият олиб бормоқда.

Оммавий ахборот воситалари ҳам экстремизм ва терроризмга қарши курашиш тизимининг муҳим таркибий қисмидир.

Экстремизм ва терроризмга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВ билан қўйидаги йўналишларда кенг кўламли ҳамкорлик ўрнатиш зарур:

а) аҳоли ўртасида экстремистик ва террористик ғоялар тарқалишининг олдини олиш учун доимий равишда тажриба ва билим, тадқиқот натижалари ва ноу-хау билан алмашиш;

б) аҳоли ўртасида экстремистик ва террористик ташкилотлар тарғиботчиларининг бузғунчи мақсадларини фош этувчи ташвиқот ва тарғибот чора-тадбирларини ўтказиша илмий-тадқиқот институтлари, ОАВ ва ННТнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш;

в) экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ва уларнинг натижаларини холисона ёритишга ОАВни жалб этиш;

г) ушбу йўналишда ўқитишни ташкил қилиш орқали медиа соҳадаги амалиётчи мутахассисларнинг малакасини ошириш, шунингдек, экстремизм ва терроризмнинг қўринишларини масъулият билан ёритиш бўйича амалий қўлланма ишлаб чиқиш;

д) ушбу Стратегияни амалга ошириш ва баҳолашда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, ННТ, илмий жамоатчилик ва ОАВ билан ҳамкорлик қилиш.

## **7-§. Экстремистик ва террорчилик ҳаракатлари, шунингдек, уларни молиялаштирганлик учун ҳуқуқий таъқиб ва жавобгарликка тортиш чораларини такомиллаштириш**

Экстремизм ва терроризмнинг барвақт олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этиш тизимини доимий такомиллаштириб бориш ушбу салбий ижтимоий ҳодисага қарши курашишнинг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланади.

Экстремистик ва террорчилик ҳаракатлари, шунингдек, уларни молиялаштирганлик учун таъқиб қилиш ва жавобгарликка тортиш чораларини такомиллаштиришнинг асосий вазифалари қўйидагилар ҳисобланади:

а) экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, жамоат ва диний бирлашмаларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш;

б) экстремизм ва терроризм мафкураси таъсирига тушиб қолган шахслар билан профилактика ва ижтимоий-реабилитация ишлари самарадорлигини ошириш;

в) экстремистик ва террорчилик фаолиятини амалга оширганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини рўёбга чиқариш;

г) жазони ижро этиш муассасаларнинг профилактика имкониятларидан фойдаланган ҳолда маҳкумлар ўртасида экстремистик ва террорчилик ғоялари тарқалишининг олдини олиш, хусусан пенитенциар профилактиканинг усуllibарини такомиллаштириш;

д) ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этиш масалалари бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш;

е) давлат хизматчилари ўртасида радикал кайфият пайдо бўлишининг олдини олевчи шароитларни яратиш юзасидан тегишли чораларни кўриш, экстремистик ва террорчилик ташкилотлар таъсири остига тушиш хавфи юқори бўлган ходимлар билан индивидуал профилактик ишларни олиб бориш;

ж) экстремистик ва террорчилик ташкилотлари аъзоларининг мамлакат ҳудудига киришига йўл қўймаслик мақсадида экстремизм ва терроризмга қарши чегара ҳудудларида курашувчи субъектларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

з) экстремистик ва террорчилик фаолиятини молиялаштириш манбалари ва каналларининг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этиш.

## **8-§. Экстремизм ва терроризмга қарши курашиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш**

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида экстремизм ва терроризмга қарши курашиш соҳасида етарли даражада самарали қонунчилик базаси мавжуд бўлиб, давлат органларининг ушбу йўналишдаги ваколатлари, шу жумладан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг асосий тамойиллари белгиланган.

Ўзбекистонда экстремизм ва терроризмга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга, шунингдек, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онги даражасини оширишга қаратилган.

Дунёдаги ижтимоий-сиёсий вазият жадал ўзгариб бораётгани, шунингдек, экстремизм, терроризм ва уларни молиялаштиришдан келиб чиқаётган янги хавф, таҳдид ва хатарларни ҳисобга олган ҳолда, вақти-вақти билан норматив-ҳуқуқий база баҳоланиб, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий барқарорлик ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан такомиллаштирилади.

## **9-§. Халқаро ва минтақавий ҳамкорлик**

Ҳозирги кунда экстремизм ва терроризм дунё хавфсизлигига таҳдид соловчи асосий хатарлар қаторида қолмоқда. Шу муносабат билан, ушбу салбий ҳодисаларга қарши курашиш нафақат миллий даражада, балки халқаро миқёсда ҳал қилиниши зарур бўлган умумий муаммога айланди.

Ўзбекистон Республикаси экстремизм, терроризм ва уларни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги фундаментал халқаро актларнинг ҳамда ташкилотларнинг фаол иштирокчисидир.

Ўзбекистон минтақадаги ва халқаро ҳамкорлар билан Афғонистонда тинчлик ва осойишталикни ўрнатиш бўйича фаол ҳамкорликни давом эттироқмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон экстремизм, терроризм ва уларни молиялаштиришга қарши курашишда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг муҳимлигини ҳисобга олиб, қўйидаги вазифаларни амалга оширишни зарур деб ҳисоблайди:

а) экстремизм ва терроризмга қарши курашишнинг халқаро-ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришга кўмаклашиш;

б) дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалари, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги, шунингдек, чет элга узоқ вақтга кетаётган ҳамда яшаб келаётган фуқаролар билан шуғулланувчи бошқа идораларнинг кадрлар салоҳияти ва ресурсларини мустаҳкамлаш;

в) бошқа давлатлар, минтақавий ва халқаро ташкилотлар билан экстремизм ва терроризмга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини кенгайтириш;

г) хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан экстремизм, терроризм ва уларни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида ахборот ҳамда тажриба алмашиш;

д) фаолияти экстремизм ва терроризмга қарши курашишга қаратилган халқаро ва минтақавий ташкилотларда фаол иштирок этиш;

е) Марказий Осиёда БМТнинг Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларни Биргаликдаги ҳаракатлар режаси доирасида мувофиқлаштириш;

ж) Марказий Осиёда экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича биргаликдаги ишлар доирасида ахборот алмашинуви ва ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам берувчи халқаро ташаббусларни амалга оширишда Ўзбекистоннинг ролини кенгайтириш;

з) дунё ҳамжамияти ва минтақавий ташкилотлар эътиборини Афғонистонда тинчлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга жалб қилиш борасидаги ташаббусларни жадаллаштириш ва ушбу мамлакатнинг минтақавий ҳамкорлик жараёнларига, шу жумладан экстремизм ва терроризмга қарши курашишга жалб қилиш.

### **З-БОБ. СТРАТЕГИЯНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ ВА КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР**

#### **1-§. Ушбу Стратегияни амалга ошириш механизмлари**

Ушбу Стратегия Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан тасдиқланган “Йўл харитаси”га мувофиқ амалга оширилади.

Стратегия экстремизм ва терроризмга қарши курашиш субъектлари томонидан:

а) барча даражадаги бюджетларни шакллантириш ва ижро этишда, шу жумладан халқаро донорлар маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига;

б) кадрларга оид масалаларни ҳал қилиш йўли билан;

в) қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қабул қилишда;

г) экстремистик ва террористик йўналишдаги ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жиноий ва маъмурий жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш йўли билан;

д) экстремизм ва терроризмга қарши курашиш соҳасидаги вазиятни кенг ва холисона ёритишда ОАВ кўмаги билан;

е) фуқаролик жамияти институтлари билан яқин ҳамкорлик қилиш орқали.

Ушбу Стратегияни уч босқичда амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Биринчи босқичда (2021 йил) қўйидаги тадбирларни амалга ошириш назарда тутилади:

а) Стратегияни амалга ошириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлаш, мазкур муаммони биргаликда ҳал қилиш учун кенг жамоатчилик ва халқаро ташкилотларни жалб этиш;

б) экстремизм ва терроризмга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини ривожлантириш истиқболларини белгилаш;

в) экстремистик ва террорчиллик фаолиятига қарши курашиш бўйича давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий таъминланганлиги ва уйғунлигини такомиллаштириш;

г) вазиятни мониторинг ва таҳлил қилишнинг комплекс дастурларини ташкил этиш, шунингдек, муаммоларни аниқ белгилаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.

Иккинчи босқичда (2022 – 2025 йиллар) қўйидаги тадбирларни амалга ошириш назарда тутилади:

а) экстремизм ва терроризмга қарши курашиш соҳасидаги вазифаларни ҳал қилишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларини ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини такомиллаштириш ва янгиларини қабул қилиш;

б) миллий ахборот маконини экстремистик ва террорчиллик мафкура кириб келишидан қўшимча ҳимоялашга қаратилган тизимни яратиш;

в) Стратегияни амалга оширишда эришилган натижаларни мониторинг қилиш;

г) экстремизм, терроризм ва уларни молиялаштиришдан келиб чиқадиган хавф, таҳдид ва хатарларни, шунингдек, мамлакатдаги миллатлараро ва конфессиялараро муносабатларни комплекс таҳлил қилиб, вазиятнинг ривожланиш истиқболлари бўйича прогнозларни ҳамда аниқланган хавф, таҳдид ва хатарларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

Учинчи босқичда (2026 йил) ушбу Стратегияни амалга ошириш натижаларини умумлаштириш ҳамда мазкур соҳада стратегик режалаштириш бўйича янги ҳужжатларни ишлаб чиқишига қаратилган таклифларни тайёрлаш, шунингдек, идоралараро даражада ташкилий характердаги чоралар қабул қилинишини таъминлаш назарда тутилади.

## 2-§. Кутилаётган натижалар

Стратегиянинг амалга оширилиши қўйидагиларга имкон беради:

а) экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича ҳуқуқий, ташкилий ва мафкуравий механизмларнинг самарали тизимини, шунингдек, жамиятда бағрикенглик маданиятини шакллантириш;

б) жамиятнинг турли қатламларида экстремистик ва террорчилик ғояларининг тарқалишига тўсқинлик қилиш, экстремизм ва терроризмга қарши курашишда давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш;

в) экстремизм ва терроризмнинг барвақт олдини олишга давлат ташкилотларининг, биринчи навбатда, ҳуқуқни мұхофаза қилувчи ва таълим ташкилотларининг барча имкониятларини ва кенг жамоатчиликни жалб қилиш;

г) экстремизм ва терроризмга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш, турли давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, ОАВ ҳамда фуқароларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни кучайтириш.

